



АДОЛАТ

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

КАДРЛАР ҲУҚУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўли билан қўрилган Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ҳўжаси масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари, агроном ва идоралар раҳбарларининг ўн кўнлик семинари мунозара машғулотлари нийомига өтди.

Иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг туққизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. А. Каримов мамлакатимизда демократик ўзғариларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб, сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги ўрни хақида алоҳида туқталиб ўтган эдилар.

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг роли икки палатали парламент тизимига ўтиш муносабати билан тобора ошиб боради. Чунки Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари хамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари туқрасида»ги Конституциявий Қонунига мувофиқ бўлажак парламентнинг кўйи палатаси — Қонунчилик палатаси доимий асосда иш олиб боради. Ушбу палата сиёсий партияларнинг бевоСИТА иштирокида шаклланади. Бундан ташқари, сиёсий партиялар цахаллиқ вакиллик органларини шакллантиришда хам фаол иштирок этадилар, яъни парламентнинг юқори палатаси — Сенат аъзолари сайланишига хам билвосита таъсир курсатадилар.

Ушбу семинарда мамлакатимизда фаолият курсатаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари тингловчилар учун «Демократик ўзғаришлар шариоатида ихро ҳокимияти бошқаруви жараёнларида сиёсий партияларнинг роли» мавзусида хам маъруза қилдилар.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, академик Турғунпўлат Даминов ўз маърузасида партиямиз ташкил топгани, дастури, мақсади ва вазифалари, партиянинг халқро социал-демократик харақати билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимизда партиямиз ташкилотларининг ҳокимликлар билан хамкорлик бораСИДА қилаётган ишлари хақида батафсил туқталиб ўтди.

Сиёсий партиялар раҳбарларининг қилган маърузалари тингловчиларда яқши таъсирот қолдирди. **Ўз муҳбиримиз.**

ДАРОМАД ҲРНИГА БУРОМАД

Ёхуд хориждан келтирган товарларни божхона назоратини четлаб олиб ўтаман деб, чув тушган сохта тижоратчилар хусусида

Мамлакатимизга олиб келинаётган товарларни божхона орқали солигини тулаб келтирилиши шартлиги хақидаги қарорлар нафақат харидорларни, балки ҳалол савдо қилувчи хақиқий тадбиркорларни хам мамнун этди. Ахир божхонани четлаб, солиқ туламай твввар олиб келган «учар» тижоратчиға ўша товарлари божхона солиги туланган товарларга нисбатан анча арзонга тушар, шу боисдан улар қўли қўлига дегмай савдо қиларди. Бу билан улар божхона солигини тулаб, қонуний ишлаётган тадбиркорларнинг, таъбир жоиз бўлса бозорда «пашша қўриб» ўтиришига мажбур қилишарди.

Энди эса аҳвол тамоман ўзгарди. Ноқонуний йўл билан сифатсиз товар олиб келганларга бозорда жой йўқ. Улар сичқоннинг ичини минг тангага олиб қочиб юрибдилар. Аммо ортимизга яқши ният билан сифатли, сертификатли товарларни божхона солигини тулаб қонуний йўл билан олиб келаётган ишбилармонларга кенг йўл очилди. Уларга халқимиз хам, давлатимиз хам

«ҳалол ишлаб, ҳалол пул топиб бойийвер, азамат», демоқда. Бироқ шунга қарамай ўрганган кўнгил ўртанса қўймаС, деганларидек, давлатимизнинг халқимиз манфаатларини кўзлаб чиқарган қарорларини менсимай, сифатсиз товарларни божхона бекатини четлаб, мамлакатимиз бозорларига олиб киришига уринаётган сохта тадбиркорлар хамон учраб турибди. Келинг, гапимиз хам, давлатимиз хам

қабилида бўлиб қолмаслиги учун мисоллар келтирайлик. Яқинда махсус тезкор гуруҳ Чимкент йўли кўчасидан пойтахт сари юриб келаётган «АЗ-24» русумли оқ рангли автоуловни туқтатган эди, кўзлари 4 та қопдаги юкларга тушди: — Бу юклар кимники, — сўрашди улар хайдовчидан. — Меники эмас, мана бу акамники! Бу гапдан кейин хайдовчининг ёнидаги ўриндикда

Контрабандага йўл йўқ

ўтирган киши гуруҳ аъзоларига яқинлашиб келиб ўзини таништирди. У Оқўрғон туманилик, 1964 йилда туғилган Еркебай Тулепбеков экан. — Копларда қанака юк олиб кетяписиз? — Шим! — Нахотки! Шунча шими нима қиласиз? — Ие, саволингиз қизиқ бўлди-ку, уни нима қилардим. Сотаман-да!

— Жуда яқши. Тирикчиликнинг айби йўқ. Уни қаердан олиб келяписиз? — Қозогистондан! — Ундай бўлса, сертификати, божхона солиқларини тулаганлигиниз хақидаги ҳужжатларини бир кўрсак бўладими? — Кечирасиз, менда унақа ҳужжатлар йўқ!

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р. С. Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирининг — Умумиқтисодийёт комплекси раҳбари этиб тайинлаш туқрасида Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирининг — Умумиқтисодийёт комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 2003 йил 22 январь.

МУСТАҚИЛЛИК МЕЪМОРИ

«Халқ — бамисоли улуг ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан қарвон. Уни йўлдан чағлтишига уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар хақмиш бўлган, бундан кейин хам бўлиши мумкин. Аммо халқ қарвонини ҳеч қандай куч ортага қайтаролмайди».

«Адолат» нашриёти чоп этган «Мустақиллик меъмори. Ислвм Каримов сиймосига қизиллар» рисоласи мамлакатимиз раҳбарининг ана шу сўзлари билан бошланади.

Ушбу асарда Ислвм Каримов мамлакат раҳбари лавозимига келган кезлари, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллига эришган куни, эркинликда ташланган дастлабки қадамлар, биринчи Президентимизнинг жиддий ва қалтис синовларга дуч келгани, истиқлол йилларида йўртбошимиз раҳбарлигида эришилган ютуқлар баён қилинган.

Қаъбият ва матонат билан иш қўриш, айни чоғда хамма нарсани етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесилга эҳтиёж сезилган мураккаб вазиятларда Ислвм Каримовнинг йўлбўшичи сифатидаги иродаси, қаъбияти, донолиги намойён бўлади. Унинг раҳбарлигида ўлкаимизда тинчлик ва осойишталик қарор топгани, умуман, юртимиздаги барқарорлик ана шундай катта жасорат ва улкан гайрат зағзига барпо этилган фавқулдда синовчилик ва кузатувчанлик, ҳолисона таҳлил ва жўшқин руҳда ҳиқоя қилган.

Ислвм Каримов Президент сифатида иш бошлаган илк кўнлардақоғ нарт мушқун ва чигал муаммоларга дуч келди. Ўзбек халқини оғир маломатлардан кўтариб, юртини мислсиз бўҳрондан халос этиб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатмоқ керак эди. Уша шариотда бу бамисоли катта бир тоғни иккинчи жойга қўчириш билан рағбарбар эди. Унча-бунча раҳбар бундай вазифани удаллаши амримаҳол эди. Ислвм Каримов буни удаллади.

— Мустақиллик йиллари. (Ўза).



● Самарқанд вилояти йўл харақати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари йўлларда қатнов хавфсизлигини таъминлаш билан бирга истезмоқ бозорига четдан олиб кириляётган ноқонуний юкларни хам туқтатиб қолмоқдалар. Бошқарманиннг йўл-патруль хизмати хол-

димлари ўтган йили 152 холатда шундай уринишларни фовш этиб, 420 миллион сўмлик гайриқонуний товарларни постларда туқтатиб қолишга муваффақ бўлдилар. Йўлларда хушёр турган назоратчилар бу ишни кизгин давом эттирмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: йўл-патруль хизмати 1-отряди командири ўринбосари, милиция катта лейтенанти Акбар Зиёев ва катта сержант Алишер Норматов; йўл-патруль хизмати ходимлари наватбдаги вазифани бажаришда отланишмоқда; постда назорат ўтказилмоқда. Зоҳир ТУРАКУЛОВ олган суратлар.

ПУЛГА ҚУЛ БЎЛГАНЛАР

Кўргентепалик тадбиркор Илҳомжон Ҳақимов неча йиллардан бери олди-сотди билан шуғулланиб келаётган бўлсада хамон амалдаги қонун-қондалардан беҳабарлиги кишини ажаблантиради. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси хуқудига товарлар олиб келинишни тартибга солиш туқрасида»ги 154-сонли қарорига жисмоний шахслар томонидан четдан олиб келинган товарларни сотишга уллар республикамиз хуқудига олиб кирилганлиги ва божхона туловлари туланганлиги хақидаги ҳужжатларга эга бўлган тақдирдагина рухсат берилади, деб очик-ойдин ёзиб қўйилибди. Кўпчилик эндиликда шу конадага амал қилапти. Фақат Илҳомжон бу тартибга ривож этмай келаяпти. Шу боисдан у Қирғизистон Республикаси бозорларидан арзон-гаровга сотиб олган жинси ва вильвет шимларни машинага босиб, устамна нархларда сотиш учун Қўқонга олиб кетаётган пайтида солиқчилар қўлига тушиди. Шу куни Бўз туман Давлат солиқ хизмати хамда туман прокуратураси хуқуридаги Солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари хамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг айнан шу 154-қарори ижросини текшириб юрган эдилар.

Усти ялтирок, ичи қалтирок шимлар қани энди ўзимизда тижиб чиқариляётган шимлардан устун бўлса. Шу ўтмас матоҳларга Илҳомжон 504 миңг сўм сарфлаганини эшитиб солиқчилар хам ачинашди.

матохларни ташмалаб келаётган сохта тадбиркор фақат Илҳомжон Ҳақимов эмасди. Унга ўхшаш юрт туйғусидан



йироқ кимсалар Жиззах вилоятининг Ғаллаорол шаҳрида хам бор экан. Уларнинг бири Бахтиёр Қаҳҳоров эди. Бахтиёр «Чоршанба» деҳқон бозорига 51 турдаги, жами 850 миңг сўмлик чет эл маҳсулотларини ҳеч қандай ҳуж-

жатсиз ва рухсатсиз сотиб ўтирган пайтида солиқчилар қўлига тушди. Унинг бу хати-харақати Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори талабларига мутлақо зид эди. Фарғона вилояти Учқўприк тумани Тикпапа қишлоғида истиқомат қилувчи Насиба Усмонованиннг хатти-харақатлари хам ҳеч қандай куёшқонга сиғмасди. У салкам ярим миллион сўмлик ҳужжатсиз кийим-бошларни «Тико» машинасига босиб Қўқон бозорига олиб кетаётган пайтида туқтатилди.

Бундай кишилари тадбиркор эмас, чайқовчи десак ярашарди. Улар товарларни қўлма-қўл айлантириб нархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқдалар. Бундай учарлар орасида Бешарик тумани Андархон қишлоғида истиқомат қилувчи Худойберди

Отабоев хам бор. У уч турдаги 5000 метр ҳужжатсиз полиэтилен қувурларни устама нархларда пуллаш мақсадида бозорга олиб кетаётган пайтида ушланди. Полиэтилен қувурларни пулга цақсангиз бир миллион 130 миңг сўмдан кам бўлмайди. Суриштирув пайтида ҳужжатсиз қувурлар қаердан ортилганлиги, бунга кимлар хомийлик қилганлиги, даромадга кимлар шерик бўляётганлиги маълум бўлмоқда. Бундай одамлар эл-юрт учун қилча хам қайишмайди, юртдошлар оғирини енгил қилиш ўрнига уларга сифатсиз товарларни устама нархларда сотиб тезроқ бойиш пайида бўладилар.

(Давоми 2-бетда).

КОРРУПЦИЯ - УМУМИНСОНДИЙ ИЛЛАТ

Ёхуд унинг миллий хавфсизлик ва тараққиётга таҳдиди туғрасида

Коррупция — давлат ва бошқа хизматчиларнинг ижтимоий жоҳаддан фарзли мақсадларда ўзининг маъқен, вақолати имкониётларидан келиб чиқиб мансабидан гайриқонуний равишда фойдаланиши ва сотилишидир. Коррупция тарих давомида ва барча жамиятларда мавжуд бўлган ижтимоий иллат ҳисобланади. Кейинги ўн йиллар ичида дунёда коррупциявий жиноятчилик микдори ва уни содир этиш усуллари тобора ўсиб ва кўпайиб бормоқда. Халқро микёсда чоп этиляётган ахборот нашрлари, интернетда турли давлатлар ва халқро ташкилотлар фаолиятида содир этилган коррупциявий холалар хақидаги хабарлар коррупциявий жиноятчиликнинг тобора хавфли кўриниш қасб этаётган ижтимоий хадисе эканлигини намойён этмоқда. Унга қарши кураш эса дунёнинг турли мамлакатларида турлича усул ва шаклларида олиб борилмоқда.

Баъзи бир давлатлар кўллаётган бўлишса, иккинчи бир давлат бундай жинодат кўринишларини содир эт-

ганларга иқтисодий жаза чораларини, бошқа бир давлатда эса давлат хизматчиларининг маошларини кўтариш, яна бирида эса маънавий ва маъмурий таъсир чоралари га афзаллик берган холда коррупциявий жиноятчиликка қарши кураш олиб борилмоқда. Бироқ коррупцияга қарши кескин курашишни эълон қилган давлатларнинг барчасида хам бу кураш муваффақиятли бўляпти, деб айтиб бўлмайди. Хар йили дунёда давлатларнинг коррупциялашганлиги даражаси бўйича ўзига хос рейтинг ўтказиб борадиган Трансперенси интернетнейншл

(Transparency International) Трансперенси интернетнейншл халқро ноҳуқумат ташкилоти бу борада дунё микёсида тадқиқотларни олиб боради. Коррупцияга қарши курашиш учун жиддий сиёсат юритаётган давлатлар мамлакатлар ушбу ташкилот тавсияларидан бу борада ўз чора-тадбирларини шакллантиришда фойдаланмоқда. Албатта коррупцияга қарши курашишни муваффақиятли бўлиши комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни, бунда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор беришни такозо қилади.

Коррупциянинг соғлом жамият тараққиётига путур етказиши айни бир пайида хавфсизликка таҳдид солади.

Коррупциянинг ижтимоий хавфлиги айниқса ўтиш давридаги мамлакатлар хаётида янада ёрқинроқ акс этади. Юқорида номи зикр этилган халқро ташкилот сўровлари натижада энг кам коррупциялашган давлатлар ҳисобланаркан. Табиийки, бу давлатларнинг коррупцияга қарши кураш тизими ва тажрибасини ўрганиш бошқа кўпгина давлатлар учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Коррупциянинг соғлом жамият тараққиётига путур етказиши айни бир пайида хавфсизликка таҳдид солади. (Давоми 2-бетда).

● Исроилнинг Умм-Эл-Фахм шаҳри яқинида полициялар 300 килограмм портловчи моддалар олиб кетаётган автомобилни қўлга олди. Террорчилик хуруж кўтляётганлиги сабабли олддиндан хавфсизлик чоралари қўриб қўйилганди. Автомобиль туқталганда унинг ичида бўлган 4 киши қошича улғурди. Шунини таъкидлаш жоизки, Исроил ҳукумати 28 январда ўтказилган сайловлар вақтида террорчилик хуружларидан хавотирланаяпти. Турд ойлик танаффусдан кейин Ҳизбуллох гуруҳи Гар Дов шаҳрида Исроил қўшинларига ҳужум уюштирди. Исроилликлар бунга жаавобан Ливан давлати жабубиди Шуба ва Шаба қишлоқларга ҳаводан зарба берди.

● Туркияда Яқин Шарқ мамлакатлари Ташқи ишлар вазирларининг Ироқдаги урушининг олдини олишга бағишланган анжумани бўлиши кутилапти. Саудия Арабистони, Йордания, Миср, Эрон ва Сурия давлатларининг Ташқи ишлар вазирлари Истанбулда ўтандиган учрашувда қатнашишга розилик билдирди. «Туркистон-пресс».

Долзарб мавзу

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ҳудудига четдан контрабанда йўли билан кириб келатган сифатсиз маҳсулотлар ҳуружини чигирталар хуржига қисқаш мумкин.

Инсон тирик экан, унда ҳар доим озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари сингари кўплаб маҳсулотларга эҳтиёж сезади.

Тайёр маҳсулот камчил бўлган минтақада Европанинг ахши товарлари билан бир қаторда Осиёдаги айрим давлатларда тайёрланган сифатсиз маҳсулотлар ҳам кириб келди.

Ўзбекистон ўз ички бозорини тартибга солиш борасида хайрли ишларни амалга ошираётган бир пайтда бизга кўшни бўлган давлатларда ислохотларимизга жиддий салбий таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмоқда.

СИФАТСИЗ ТОВАРЛАРГА ИШОНЧЛИ ҚОВ ҚҮЙИЛДИ

ахборот воситалари билан алоқалар бўлими раҳбари Абдумўмин Тиловов куйидагиларни сўзлаб берди:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорини сифатсиз маҳсулотлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат божхона қўмитаси томонидан мўайян ишлар амалга оширилмоқда.

А. Тилововнинг таъкидлашича, ҳозирги кеча-кундузда ҳам айрим қўштирноқ ичидаги тadbиркорлар томонидан республикамизга сифатсиз маҳсулотларни яширинча олиб киришга уринишлар содир бўлаётди.

Айтиш лозимики, ҳозир жаҳон тажрибасида халқаро миқёсда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга, шунингдек ўзаро келишувларга амал қилиб яшаш одат тусига кирган.

Кўришни турбидики, харидор кўзига арзон кўринган маҳсулотларнинг асосий қисми контрабанда йўли билан келтирилган сифатсиз товарлардир.

Яхши сўз - МАЛАХАМ 70-йилларда Тошкентдаги 17-шифохонада икки марта ётиб даволанганман. Шунда у ердаги тартибсизлик, айрим тиббиёт ходимларининг одамларга кўрс, ноинсоний муомаласи, таъмагирикларни кўриб газабланганман.

Шарифа, Сиз шифокорсиз. Мен шифокор ахлоқи-одоби ҳақида мақола ёзмакчиман. Менга озгина ёрдамингиз керак.

Алоуддин ҒАҒҒОРОВ, «Туркистон-пресс».



Сизнинг туманга ҳоким бўлганингизга мана бир йилдан ошди. Туманда ислохотлар изчил амалга оширилган экан. Буни одамлар ҳам, вилоят ҳокимлигининг мутасаддилар ҳам алоҳида таъкидлашди.



СУРАТЛАРДА: 1. Шовотнинг тўйлари жуда ажойиб ва файзли ўтади. 2. «Семурғ-Сан-Те» ўзбек-турк қўшма корхонасининг тери ҳечиди; 3. «Чўкли» фуқаролар йиғинида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан учрашувлар гоёт кизиклар ва мароқли ўтади.

одамларни руҳлантира биши, уларни эзгу ишларга даъват этиш керак. Туманимизда аҳолини табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви билан таъминлаш мумкиноти асосан ҳал этилмоқда.

Туманда экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантириш юзасидан тadbирлар белгилаган экан. Бу режа қандай бажарилапти?

Мустиқлик туфайли ривожланган давлатлардан чет эллик ишбилармонлар ҳам тақлифлар билан келишмоқда. Иктисодиётимизнинг янада юксалишига сезиларли даражада таъсирини кўрсатаётган бундай ўзаро ҳамкорликлар бугунги кунда хар бир соҳада амалга оширилмоқда.

ЯХШИ СЎЗ - МАЛАХАМ

70-йилларда Тошкентдаги 17-шифохонада икки марта ётиб даволанганман. Шунда у ердаги тартибсизлик, айрим тиббиёт ходимларининг одамларга кўрс, ноинсоний муомаласи, таъмагирикларни кўриб газабланганман.

Шарифа, Сиз шифокорсиз. Мен шифокор ахлоқи-одоби ҳақида мақола ёзмакчиман. Менга озгина ёрдамингиз керак.

Алоуддин ҒАҒҒОРОВ, «Туркистон-пресс».

Ислохот ва самара КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН...

Шовот тумани Хоразм вилояти ҳудудининг 7,5 фоизини ташкил қилади. Аҳолиси 124.000 киши. Туманининг асосан 23406 гектар сугориладиган экан майдонида деҳқончилик қилинади.

Биз туман ҳокимини излаб ҳокимликка борганимизда, ҳоким шу кўнларда далада эканлигини, ерларнинг шўрини ювиш ишлари билан банд эканлигини айтишди.

Хақиқатан ҳам ёш ҳоким Бобохон Исмомовни «Бўстон» ширкат хўжалиги далаларида учратдик. У билан суҳбатимиз шу ернинг ўзида давом этди.

гидан мамнулиги ёшларнинг шўндоқкича юз-кўздан билиниб турибди.

Хоразм воқиси қадим-қадимдан ўзининг тилёнор қовун-тарвузлари билан бутун жаҳонга машҳур. Серкўёш воҳода етиш-

шиша идишларни ва дераза ойналари кўшни мамлакатларга чиқариб сотиш имкониятига эга бўлди.

Хуллас, ўтган йил давоми туманимизда 51,3 минг АҚШ доллари миқдорда маҳсулот экспорт қилинди.

лаш ишлариға етарлича эътибор беришяпти.

Маҳаллаларни ривожлантириш бўйича тadbирлар ишлаб чиқилмоқда. Буларни амалга оширишда шаҳарча ва кишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳал-

лаш, меҳнат қилмоқдалар. Улар хар соҳада бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, «Обод маҳалла йили» маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан бир қаторда



СУРАТЛАРДА: 1. Шовотнинг тўйлари жуда ажойиб ва файзли ўтади. 2. «Семурғ-Сан-Те» ўзбек-турк қўшма корхонасининг тери ҳечиди; 3. «Чўкли» фуқаролар йиғинида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан учрашувлар гоёт кизиклар ва мароқли ўтади.

Хабарингиз бор, бугунги кунда жамиятимизда, ҳаётимизда маҳаллаларнинг ўрни катта. Шунинг учун ҳам Президентимиз 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилди...

Бу тақлифни ҳамма қатори туманимиз аҳолиси ҳам қаттиқ турсандилик билан қутиб олди. Дарҳақиқат, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда, кўламлиқроқ ишларни амалга оширилиши ва ободонлаштиришда, тўй-шамафларни ихчам қилиб ўтказишда маҳаллаларнинг рол-аҳамияти ва моҳияти қундан-қунга ошиб бормоқда.

2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши оқоридидаги ишларни кенг қўламда амалга оширишга қаттиқ имконият яратади. Туманимизда 12 та фуқаролар йиғинларига қарашли 56 та маҳалла мавжуд. Ана шу маҳаллаларда кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллаларни ободонлаштириш, кишлоқда тиббиёт шахобчалари, мактаб, боғча ва гулзорлар барпо қилиш, мавжуд бўлганларни замонавий қўринишда жиҳоз-

лақўм раисларининг хизматлари катта. Ўтган йили туманда маҳаллалар ўртасида турли кўрик-танловлар, хар хил муسابақалар ўтказилди.

«Энг ибратли маҳалла», «Ибратли маҳалла оқсоқоли» танловлари ана шулар жумласидандир. Шунингдек, шаҳарча ва кишлоқ фуқаролар йиғинлари кам таъминланган, кўп болали оилаларга, етим-есирларга моддий ёрдамлар уюштирилмоқда.

Қўпгина тadbирлар хашар йўли билан амалга оширилмоқда. Шаҳарча ва кишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларда маънавий ва маърифат ҳоналари ташкил қилинган. Кўпчилик ёшлар ана шундай ҳоналарда матбуот нашрларини ўқиб, янгиликлар билан танишади.

Эндиликда маҳаллаларимизда қосибчилик, гуламчилик, зардузлик, темирчилик, дурадгорлик, тикувчилик каби ўнлаб хунар турлари ривожлантирилмоқда. Машҳур созанда Қомилжон ака Отаниёзов ишонини давом эттираётган халқ бахшиси Қаландар Норматовга эргашаётган ёшлар сафи тобора кўпаймоқда.

Шу кўнларда кишилиримиз янада кўтаринки руҳ билан

ана шу маҳаллаларда яшовчи ҳаммамизнинг зиммасизга ўта масъулиятли ва шарофли вазифаларни юклайди. Бир сўз билан айтганда, маҳаллаларимизда туманимизни гўзал масканга айлантириш ва халқимизнинг турму тарзини янада яхшилаш йўлидаги эзгу ишлар янги йилда янада юқори поғонага кўтарилди...

Биз тadbиркор ва ишбилармон ёш ҳоким Бобохон Исмолов билан хайрлашиб, Шовот кўчаларини айланган эканми, ҳаётимиздан «Минг бор эшитгандан бир бор кўрган яхши» деган халқ мақоли ўтди.

Кўчалар раво, бозорлар обод, истироҳат боғлари шинам, бир-бирдан гўзал бинолар, мактаблар, лицейлар, коллежлар қўзғатадиларди. Энг қувончлиси, кишилар юзюда табассум... Меҳрли боқилар... Булар бизга уларнинг хар бир ўтаётган кундан мамнун эканлигини, буюк келажакка ишонч билан дидил кадам ташлаётганлигинида нишон эди.

Жаҳонгир ТОШЕВ, «Адолат»нинг жамоатчи муҳбири.

Янги китоблар

Яна бир галати факт. Америкадаги кўпгина госпиталларда радиодан мунтазам енгил музыка таралиб тураркан.

Мана шу фактларнинг ўзи ҳам бемор кайфиятини кўтариш учун қилишаркан.

Хозир Ўзбекистонда 28 та нашриёт бор. Уларнинг хар бирнда хар йили ўнлаб китоблар нашр этилади.

Мен профессор Эркин Қосимовнинг китобини ўқувчисини топаядиган китоблар сирасига қўшган бўлардим.

Мен оддий каламқашман, шифокор ҳам, деонтология фани бўйича мутахассис ҳам эмасман.

«Я, нега кесарево қилишар экан, ҳечманда! Сен ўзинг тугасан, - деди Зарифа опа.

Алиназар ЭҒАМНАЗАРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Бир кун Шарифа Махмудовани яна қўчада учратиб сўрадим: - Республикаимиздаги тиббиёт институтларида, ўрта махсус билим юртрларида деонтология фани ўқитилмайдими? - Уқитилди, лекин йўл-йўлакай, муфассал эмас. - Мана соғлиқни сақлаш соҳасидаги «сурункали дард»нинг бош сабаби қаерда экан, - дедим мен. - Ахир бемор билан муомала маданиятини билмаган талаба қандай қилиб ҳақиқий шифокор бўлади? Деонтологияни талабаларга муфассал ўқитиш керак. Бу ҳақда ўзбекча дарслиқлар ёзиш керак.

